

**ТОЖУ-Ш-ШАРИА – УБАЙДУЛЛОХ
ИБН МАСЪУД ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ
“МУХТАСАРУ-Л-ВИҚОЯ” АСАРИ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ
УБАЙДУЛЛА ИБН МАСУДА И ЕГО
РАБОТА «МУХТАСАРУ-Л-ВИКАЯ»**

**INTELLECTUAL ACTIVITY OF
UBAYDULLA IBN MASUD AND HIS WORK
“MUHTASARU-L-VIQAYA”**

Nematullo NASRULLAEV

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN

Doctor of Historical Sciences
Department of History and Source
Studies of Islam-IRCICA

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

n.nasrullaev@iiau.uz

DOI: 10.47980/IIAU/2021/4/2

Аннотация: Бухоронинг уч минг йилдан ортиқ тарихи давомида яшаб ўтган кўплаб маърифат даргаларининг ибратли ҳаёт йўли, хулқ одоби, касб-кори, илм-маънавияти, иймон-этиқоди ҳақида ҳали етарлича маълумотларга эга эмасмиз. Мўғуллар босқини натижасида Бухоронинг хароб этилиши шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, илм-фан ва маданиятга ўз таъсирини ўтказди.

Мақолада Убайдуллоҳ ибн Масъуд Тоҷу-ш-шари'анинг айнан мўғуллар истилоси даврига тўғри келган фаолияти ва ва ўша давр тарихий жараёнларни тадқиқ этилган. Бу даврда мўғтазиллий, қадарий, жабарий, қирмитий каби турли ботил оқим вакиллариининг таъсири кучайган эди. Ўз даврида алломаталабаларга ибодат масалаларини энгил ва тез қабул қилиб, уни мустаҳкам ўзлаштиришига интилан. Чунки, мўғуллар даврида илм-маърифатнинг сусайиши одамларни бирлаштирувчи омилларга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Лекин Убайдуллоҳ ибн Масъуд каби фақиҳлар ўз анъаналари ва урф-одатларга содиқ туриб, халқнинг диний-маърифий ҳаётини оширишига интилишган.

Айни давр ва ҳолат учун фикҳий масалалар тўғрисида ихтилофлардан йироқ ва мукамал асарларга эҳтиёж мавжуд бўлган. Бу асар ёзилишидаги бирламчи сабаб бўлса, иккинчиси уни одамларга тез ва тушунарли етказишида эди. Олимнинг “Мухтасарул Виқоя” асари пухта, аниқ ва лўндалиги билан шуҳрат қозонган. Муаллиф асарини ёритишида қисқаликка интилиб,

фикҳий масалаларни ўзига хос равишда осон услубда тушунтирган. Натижада талабалар уни қулай ва тез ўзлаштирган. Ҳанафий мазҳаби қоидаларига амал қилиб ёзилган ушбу асар, ўздан аввал ёзилган манбаларни тўлдириши билан аҳамиятлидир.

Мақолада Мовароуннаҳр ва унинг қатор шаҳарлари хусусан, Бухоро шаҳрининг XIII-XIV асрлардаги ижтимоий-маданий муҳити, Убайдуллоҳ ибн Масъуд илмий-маънавий мероси, фақиҳнинг “Мухтасару-л-Виқоя” асари матни, унга ёзилган шарҳлар, ҳошиялар ва таржималари таҳлил қилинган. Шунингдек, асарнинг минтақа илмий муҳити учун таъсири, таълим тизимидаги ўрни, аҳли илм ва омма орасидаги аҳамиятига урғу берилган. Муаллиф ўз даврининг етук олими бўлиб, фикҳий масалаларни чуқур билган ва уларни илмий таҳлил қилиш қобилияти ва услублари ўрганилиб, таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: мўғуллар истилоси, Бухоро шаҳри илмий муҳити, тарихий манбалар, Убайдуллоҳ ибн Масъуд Тоҷуш шариа, Мухтасарул Виқоя, ҳанафий мазҳаби, фикҳий масалалар.

Аннотация: Нам до сих пор не хватает информации об образе жизни, духовном облике, интеллектуальной деятельности, а также нравственных качествах и религиозных предпочтениях многих просвещенных людей, живших и творивших в Бухаре в течение более трех тысяч лет.

Разрушение Бухары в результате монгольского нашествия отразилось на социально-экономической ситуации в городе, науке и культуре того периода. Творческая деятельность Убайдуллы ибн Масуда Таджуш-шари'а также совпала с периодом монгольского нашествия. В этот период усилилось влияние различных таких сект, как мугтазилиты, кадариты, джабариты и кирмиты. Убайдулла ибн Масуд в своей работе «Мухтасару-л-Викая» постарался научить своих последователей легко и быстро отвечать на проблемные вопросы. Это было связано с тем, что упадок знаний в период монгольского нашествия также повлиял на факторы, объединяющие людей. Однако правоведы, как такие Ибн Масуд, в соответствии со своими традициями и обычаями, стремились повысить уровень религиозно-просветительской жизни людей.

В этот же период возникла потребность и в свободных от противоречий и совершенных работах по вопросам фикха. Хотя это и явилось основной причиной написания работы, второй причиной было – доведение до людей знаний по фикху в наиболее доступной форме. Труд ученого «Мухтасару-л-Викая» известен своей точностью и лаконичностью. Автор стремится к лаконичности в своей работе и удивительно легко объясняет правовые вопросы. В результате ученики осваивали предлагаемый материал легко и быстро. Эта работа, написанная в соответствии с правилами ханафитской школы, примечательна тем, что дополняет ранее написанные источники.

Среди Бухарских ученых научная деятельность Убайдуллаха ибн Масуда также играла важную роль. Он был зрелым ученым своего времени, с глубокими знаниями в области юриспруденции и способностью анализировать их с научной точки зрения. В произведении «Мухтасару-л-Викая» методы изложения правовых вопросов и способов их разрешения свидетельствуют о виртуозном владении предметом.

Ключевые слова: монгольское нашествие, научная среда Бухары, исторические источники, шариат Убайдуллаха ибн Масуда Таджуша, Мухтасару-л-Викая, ханафитская школа, вопросы юриспруденции.

Abstract: We still lack information about the lifestyle, spiritual image, intellectual activity, moral qualities and, religious preferences of many enlightened people who lived and worked in Bukhara for more than three thousand years.

The destruction of Bukhara as a result of the Mongol invasion affected the socio-economic situation in the city, science, and culture of that period. The creative activity of Ubaydullah ibn Masud Tajush-shari'a also coincided with the period of the Mongol invasion. During this period, the influence of various sects such as Mutazilites, Qadarites, Jabarites, and Kirmits increased. Ubaydullah ibn Masud in his work "Mukhtasaru-l-Wikaya" tried to teach his followers to easily and quickly answer problematic questions. The period of the Mongol invasion also influenced the factors that unite people. However, jurists such as Ibn Masud, following their traditions and customs, sought to raise the level of the religious and educational life of people.

In the same period, there was a need for controversy-free and perfect works on fiqh issues. Although this was the main reason for writing the work, the second reason was to bring knowledge of fiqh to people in the most accessible form. The work "Mukhtasaru-l-wiqaya" is known for its accuracy and conciseness. The author strives for compactness and surprisingly effectively explains legal issues. As a result, students learned the proposed material very quickly. This work, written under the rules of the Hanafi school, is remarkable in that it complements the previously written sources.

Among the Bukhara scientists, the scientific activity of Ubaydullah ibn Masud also played an important role. He was a mature scholar of his time, with a deep knowledge of jurisprudence. In the work "Mukhtasaru-l-wiqaya" the methods of presenting legal issues and ways to resolve them testify to the mastery of the subject.

Keywords: Mongol invasion, a scientific environment of Bukhara, historical sources, Sharia of Ubaidullah ibn Masud, Mukhtasaru-l-wiqaya, Hanafi school, questions of jurisprudence.

КИРИШ

Чингизхон 1220 йилда катта қўшин билан келиб, Бухоро шаҳрини босиб олди. Шаҳар юз минглаб қурбонликлар бериб, асрлар давомида бунёд этилган

обидаларни вайрон этди. Чингизийлар зулмига қарши 1258 йили Бухорода Маҳмуд Торобий раҳбарлигида исён кўтарилди. Ушбу жангда Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий (*Изоҳ: Мавлоно Шамсиддиннинг жасаdlари Чашмаи Аюб ёнидаги Шаръобод мазорида, яъни ўз ота-боболари қабри ёнига дафн этилган. Ҳозирда шаҳридаги "Янги ер" кўчасида Ҳазрат Шамсиддин Маҳбубий номларига масжид бино этилган*) ҳам иштирок этди. Ҳазрат Маҳбубийнинг эл орасида обрўлари баландлигидан, Торобий ўзига ҳазратни пир қилиб, у кишининг кўмаklарида бутун аҳолини мўғул-татарларга қарши қўзғата олди. Дастлаб мўғулларга қарши бўлган жанглarda бухороликлар қўли баланд келди. Мўғуллар ушбу жангда енгилиб, Карманага қараб қочди. Жума намози хутбасида Маҳмуд Торобий номи зикр этилади ва Шамсиддин Маҳбубий – Садр аш-шариа деб аталди. Лекин Хўжанддан Маҳмуд Ялавоч катта қўшин билан келиб, кескин жанглardan сўнг Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий ҳам шаҳид бўлдилар. Бу воқеа 1240 йилда содир бўлган эди (Садриддин Салим Бухорий, 2015:125).

ТАҲЛИЛ

Мўғуллар босқини натижасида Бухоронинг хароб этилиши шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, илм-фан ва маданиятга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Мўғуллар босқинининг илк даврида илм-фан шу жумладан, фикҳ соҳасида ҳам анча оқсоқлик кузатилди. Илмнинг сусайиши натижасида халқ орасида турли хил заиф ривоятлар, асоссиз фатволар, заиф ҳадислардан кўп фойдаланиш, эътиқодга оид шаръий масалаларга жиддий қарамаслик ҳолатлари кўпайди (Ziynatullayev Z., 2020:153). Давр олимлари ҳам халқни исломга, ибодатга тарғиб қилиш мақсадида ушбу заиф ривоятлар, манокiblар ва шу каби масалаларни бўрттирган ҳолда васф қилдилар. Масалан, Масъуд ибн Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” (Н.Ҳ.Насруллаев. Шахсий фонди) асарида Абу Ҳанифанинг манокiblари ҳақида муболағали ривоятлар киритилган. Яна Алоуддин Бухорийнинг “Ҳайратул фуқаҳо” асарида эса, ўша даврда халқ орасида кенг тарқалган ривоятлар, ҳадислар ва илмсиз кимсалар томонидан чиқарилган фатволарни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Қазвиний маълумотида кўра, бухоролик “Оли Моза” (Моза оиласи)нинг имоми ҳамда раисларидан бири Садри жаҳон Бурхониддин Муҳаммад ва унинг авлодлари ҳимояси остида олти минг фақиҳ ҳаёт кечириб, уларнинг барчаси ханафий бўлган (Шихобиддин Муҳаммад Насавий, 1999:432).

Моза оиласи мўғуллар босқинидан кейин ҳам ханафий фақиҳларни ўз ҳимоясига олиб келган ва 674/1276 йили тўрт минг фақиҳ улар кўрсатаётган ёрдамларидан фойдаланган. Бу ҳолат мўғул хонларининг ўтроқлашиши ва ислом динини қабул қилиши билан ҳам боғлиқ эди.

Бухоро шаҳри ўзининг фақиҳ, олим ва адиблари билан ўлка моддий ва маданий-маънавий маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Шаҳар илм масканлари кўплиги билан дунё бўйича алоҳида ўрин тутди десак, ҳеч муболаға бўлмайди (Тоҳтиев Ш., 2012: 125).

Абдусаттор Жуманазаров ўзининг “Бухоро таълим тизими тарихи” монографиясида VIII асрнинг иккинчи ярмидан то XX асрнинг иккинчи ярмигача Бухоро ва унинг атрофида фаолият юритган мадрасаларнинг жами 324 таси ҳақида маълумот бериб ўтади (Абдусаттор Жуманазар., 2017:144-545). Муаллиф тадқиқотда бу масалага алоҳида боб ажратиб, мадрасаларни бирма-бир алифбо тартибига кўра ёритиб беради. Албатта бу ўринда муаллиф баъзи мадрасалар ҳақида атрофлича маълумотлар берса, баъзилари ҳақида мухтасар сўз юритиб, айримларининг фақатгина номини бериш билан kifояланади. Тадқиқот билан танишган илм кишиси олимнинг заҳматлик меҳнатини тушуниб етиши аниқ. Ишда биз ёритаётган асрда фаолият юритган мадрасалар эътиборимизни тортди. Жумладан, Бухоро XIII-XIV асрлар давомида, Абу Ҳафс Кабир, Фаржак, Тимчаи Хон, Хония, Кулартегин, Масъудия, Хожа Булғор, Хорчок, кейинчалик, Хожа Муҳаммад Порсо, Мирзо Улуғбек, Пояндабий, Мир Араб ва бошқа бир-неча мадрасалар мана шулар жумласидандир. Ўша даврда етишиб чиққан машҳур мутафаккир олимларнинг барчаси айни мадрасалардан етишиб чиққани эътиборли. Бундай даргоҳлар бугунгача дастурул амал бўлиб келаётган асарлар муаллифларини етиштириб, дунёга намуна бўлгудек ижод намуналарини намоён қила олдилар, лекин ҳали-ҳануз биз уларни тўлиқ ўрганиб чиққанамиз йўқ. Бу ўринда даҳрийлар салтанатининг изтиробли саҳифалари, унда шўро тузумининг истибдодини бошдан кечирган бухоролик Азизхўжа Иноятов, Музайям Солиевалар тўпланган маълумотларда қисман бўлса-да, ўз аксини топган (А.Иноятов, М.Солиева, 2016:283). Лекин ҳали мана шундай ишларни амалга ошириш борасида қилинадиган вазифалар керагича топилади.

Бухорои шарифнинг уч минг йилдан ортиқ тарихи давомида яшаб ўтган, илмий мероси давримизгача етиб келган беш юздан ортиқ маърифат

дарғалари, уларнинг ибратли ҳаёт йўли, хулқ одоби, касбу кори, илму маънавияти, иймон-эътиқоди ҳақида Садриддин Салим Бухорий томонидан таълиф этилган илмий нашрда сўз боради.

Хуллас, XIII аср охири – XIV аср бошлари Мовароуннаҳр шаҳарлари Чингиз авлодларидан бўлган мўғул хонларининг ҳокимиятни қўлга киритиш учун олиб борган тўхтовсиз курашлар орқали намоён бўлди. Бу даврда ижтимоий ва маданий аҳвол бир томондан, минтақа кичик-кичик, қувватсиз давлатларга бўлинди, иккинчи томондан эса, ҳар бир йирик ҳукмдор бутун Мовароуннаҳрни бўйсундириб, уни бир ҳокимият доирасида бирлаштиришга интилди. Албатта, Бухоро шаҳри ҳам доим ҳукмдорларнинг диққат марказида турди. Мўғул хонларидан кейинги қайта юксалиш, Қаршини улардан халос қилган Амир Темурнинг (ваф. 807/1405) сиёсий майдонга кириши билан шаҳар аста-секин ривожлана бошлади.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Бу даврда ижтимоийсиёсий ҳаётга оид фатволар чиқариш, араб тилида оригинал илмий асарлар яратиш, диний ривоятларнинг нуфузли занжирлар орқали узатилиши кескин камайди. Фикҳий асарлар бўйича эса, асосан аввалгиларини шарҳлаш, ҳошия ёзиш, назмлар битиш билан характерланди. Аксинча, “фатово” асарлар битиш анъанага айланди. Мазҳаб имомлари, шогирдлари ва улардан кейингилар қатор фатово китоблар ёздилар (Mukhamedov N., 2020:5). Улар орасида дастлаб, Абу Лайс Самарқандийнинг “Навозил”, Садр аш-Шаҳид ва Абул Аббос Нотифийнинг “Воқеъот”, Садр ал-Кабир Ҳисомиддин Умар ибн Абдулазизнинг (ваф. 536/1141) “Фатавои Кубро” (*ЎзР ФА ШИ Қўлёзма:7857 рақамида асарнинг ҳиж. 1223 йили қўчирилган 529 варақли нусхаси мавжуд*), Имом Фахриддин Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий Фарғоний Ҳанафийнинг (ваф. 592/1196) “Фатавои Қозихон” (*ЎзР ФА ШИ Қўлёзма:11588, 5959, 2801 рақамларида асарнинг турли йилларга оид нусхалари сақланади*), имом Ҳофизиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб Баззознинг (ваф. 828/1495) “Фатавои Баззозия” (*ЎзР ФА ШИ Қўлёзма:2387, 5157, 2983 рақамларида асарнинг катта ҳажмли арабча нусхалари бор*) каби фатво китоблари тартибланди. Бу фатво мажмуалари усул ва наводир жанридаги асарлардан кейинги даражадаги китоблар ҳисобланади. Чунки, усул ва наводирлар мазҳаббошиларнинг қавллари сирасига киради. Фатво ва воқеаларни ўзида жам қилган китоблар эса, мужтаҳидлардан кейинги издошлари

томонидан ечилган масалаларга бағишланган. Давр манбалари таҳлили натижаси араб тили билан тенг ўринда форсий ва туркий тилларида ижод намуналари дунёга кела бошлаганини кўрсатди (Насруллаев Н., 2021:59-63).

Мовароуннахр ҳудудида ҳукмронлик қилган мўғул хонлари маънавий ҳаётда оз бўлса-да, ижод аҳлига эътибор қаратдилар. Натижада уларнинг баъзилари мўғул саройларида яшаб, уларга атаб “Чингизнома”лар ёзди. (Жамалова М., 1992:23). Лекин бу қасидалар савияси унчалик илмий-тарихийаҳамият касб этмади. Шундай бўлса-да XIV асрнинг биринчи ярмида ёзилиб, илмий ва адабий жиҳатдан ноёб бўлган ижод намуналари ҳам ёзилди. Жумладан, Носириддин Рабғузийнинг “Қиссас аланбийё” (*Асар Ленинград нусхаси асосида ношир Н.Ильминский томонидан Қозон шаҳрида 1859 йил чоп этилган*) туркий тил хусусиятларини акс эттирган “Ўғузнома”, Хоразмий қаламига мансуб “Муҳаббатнома”, Низомий Ганжавийнинг Олтин Ўрда табиий манзараларни ёритган “Хусрав ва Ширин” достони, Сайфи Саройийжодига мансуб Саъдий Шерозийнинг “Тулистон” асари таржимаси, туркий тилнинг лингвистик хусусиятларига бағишланган “Тухфат аз-закиййа фи-ллуғати-т-туркиййа” каби асарлар шу асрларга оид (Маҳмудов Қ., 1978:1421).

Шайх Шарифийнинг “Муин ал-мурид” китоби ҳам 712/1313 йили Хоразмда яратилган бўлиб, Олтин Ўрда ўзбек хонлари ҳақидаги ноёб ёдгорликдир (Маллаев Н.М. 1977:177). Асар матни арузнинг мутақориб вазнига кўра шеърий йўл билан ифодаланган. Унинг фанга маълум бўлган ягона нусхаси Туркиянинг Бурса кутубхонасида сақланмоқда. Бу ноёб асар ҳали илмий муомалага киритилмаган.

Маҳмуд ибн Алининг назмда битилган “Наҳжул-фародис” номли асари ҳам шу даврларга оид бўлиб, унинг 761/1360 йилга мансуб экани қўлёзманинг ўзида қайд этилган. Бу асар турк олимлари томонидан факсимиль йўл билан чоп этирилган (Nehsu'l-Feradis., 2004:122). Асарнинг нодир қўлёзмаси №879 тартиб рақамида Истамбулнинг Сулаймония кутубхонасида сақланади. Кенг ҳажмли бу насрий асар, тўрт бобдан иборат дидактик (насихат) мазмунга эга. “Наҳжул-фародис”нинг бошқа нусхаси ҳақида ўзбек тилшуноси Қозоқбой Маҳмудов маълумот берган (Маҳмудов Қ. 1978:33). Бу асарни илмий тадқиқ этиш ўша давр тарихига оид маълумотларни бойитишга хизмат қилар эди.

Сайфуддин Муҳаммад Фарғоний (XIII аср) Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Кавказорти мамлакатлари ва

Россиянинг катта бир қисми мўғуллар асоратига тушиб қолган йилларда Чингизхон, кейинчалик Мовароуннахрга ҳукмдор этиб тайинланган Маҳмуд Ялавоч ва мўғул кўчманчилари зулмидан қочиб Онадўлига келиб қолган (Бартольд В. В., 1963:261). Муҳаммад Фарғоний шеърят, қасида, ғазаллар бобида таниқли шоирлардан саналган. Муаллиф ўша даврда халққа нисбатан жабр зулмларининг ҳаддан ошгани ва меҳнаткаш омманинг ҳукмдорлар томонидан кўрган зарарларини сатрларида тасвирлайди (Аҳмедов Б., 1962:23).

Хуллас, ўрта ва кейинги асрларда яшаб ижод этган бухоролик олимлар айниқса, фақиҳларнинг бой илмий мероси ва қарашлари бугунги кунда ҳам муҳим манбалардан ҳисобланади. Шу боисдан уларни истиқлол давридан келиб чиққан ҳолда илмий таҳлил этиш, ҳолислик билан ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш куннинг долзарб вазифаларига айланиб бормоқда.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд ҳаёти ва унинг “Мухтасару-л-виқоя” асари ҳақида. Садруш шариа ал-асғар Убайдуллоҳ ибн Масъуд Тожуш шариа ал-Бухорий (ваф. 747/1346) Туркистонлик уламолар оиласига мансуб. Ота тарафдан бобоси “Тожуш шариа” Умар. Она томондан бобоси, “Бурҳонус шариа” Масъуддир. Садруш шариа ал-аввал – Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ҳам она ҳам ота томонидан дадасидир. Дадаси ўзи учун ёзган “Викоя” китобини маъноларини очиб, унга “Никоя” номини берган. Унинг бу шарҳига Аҳи Чалабий, Ҳасан Чалабий ва Биргивийнинг ёзган ҳошиялари машхур. Бухорода вафот этган (Ekrem Bugra Ekinç., 2015:191).

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садруш шариялар оиласи вакили сифатида ҳанафий фикҳининг порлоқ юлдузига айланди. У бобосининг тарбиясида камол топиб, илми ҳикмат, калом ва табиатга оид фанларни ўзлаштирди. Айниқса, фикҳ илмида аллома сифатида танилди ва ҳанафий мазҳабининг атоқли ҳамда сермахсул олимларидан бири сифатида ижод қилди.

Абдулҳай Лакнавийнинг берган маълумотида кўра: “Убайдуллоҳ ибн Масъуд “Мухтасару-л-Викоя” асарининг муаллифи сифатида илмнинг барча қирраларини қабул қилган имом, шариат қонунларининг соқчиси, ақлий ва фаръий муаммолар устои ва қасқартирувчиси, ақлий ва нақлий фанлар олими, фикҳ, усул билимдони, мантиқий, муҳаддис, муфассир, тилшунос, мутакаллим, адиб, улуғ қадр манзилат ва юксак мақом эгаси, илму адаб билан тўлиб тошган, мажду азаматни ота-боболаридан мерос қилиб олган зот эди”, деб таърифлайди.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд аждодларидан қолган илмий асарларни жамлаб, нафис ёдгорликларни тўплаш билан шуғулланиб келди ва бобоси таълиф этган асарни кейинчалик қискартириб, мухтасар холга келтирди. Унинг оила аъзолари фикҳ илмини ўз замонасининг энг забардаст олимларидан олганлар. Бу авлоднинг фикҳ илмини ўрганиш силсиласи бухоролик атоқли фақиҳ Абу Абдулло ибн Абу Ҳафс Кабирга бориб етади (Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний., 2002:200).

Убайдуллоҳ ибн Масъуд қаламига мансуб “Мухтасарул виқоя” матни фикҳий матн китоблари ичида ўзининг қисқалиги, мўъжазлиги билан ажралиб тургани учун шу номи билан танилган. Асар матни кўп ҳолларда “Ан-Ниқоя” (“Ан-Нуқоя”, “Ниқоятур ривоя”, “Ниқоятул Виқоя”) номларида ҳам учрайди.

Муаллиф уни бобоси Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубий (ваф. 630/1232) “Ал-Ҳидоя”ни қискартириб тартиб берган “Ал-Виқоя” асосида яратган. Ушбу асарнинг тўлиқ номи - “Виқоятур-ривоя фий масоилул Ҳидоя” (Ҳидоя масалаларида ривоятларни асровчи) (*Асарга бир қатор шарҳлар ёзилган бўлиб, Абдулҳай Лакнавий (раҳимаҳумуллоҳ) “Умдатур ривоя” асари муқаддимасида уларнинг йиғирмадан ортиқ эканини қайд этиб, ҳошияларнинг адади олтмишдан зиёдлигини айтиб ўтади. Китобда “Ал-Виқоя” ва “Шарҳул Виқоя” асарининг ҳам ўнга яқин таржималари келтирилади*) бўлиб, у “Мухтасарул Виқоя” соҳибининг бобоси Бурҳонуш шариа (баъзилар уни ҳам “Тоҷуш шариа” дейдилар) Маҳмуд ибн Садруш шариа Аҳмад Маҳбубий (ваф.630/1232) қаламига мансуб. У Бухородан етишиб чиққан машҳур фақиҳлардан бири ҳисобланади. (Ahmet Ozel., 2006:80). Кафавий (ваф. 990/1582)нинг айтишича, бу асар “Ал-Ҳидоя”, “Ал-Фатаво”, “Ал-Воқеот” масалаларидан танлаб олиб ёзилган. Муаллиф Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубий унинг невараси Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий учун оз-оздан ёзар, невараси эса, ҳар бир ёзилган қисмни ёд олар эди. Китоб тугуганда эса, унинг невараси асар матнини тўлиқ ёд олишга эришган. Бу ҳақда Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий ушбу асарга ёзган “Шарҳул Виқоя” асарида бундай дейди: Бу бобом ва устозим Маҳмуд ибн Садруш шариамен ёдлашим учун ёзган “Виқоятур-ривоя фий масоилул Ҳидоя” (Ҳидоя масалаларида ривоятларни асровчи) асарининг ёпиқ ўринларини очиш бўйича ёзилган шарҳдир. Бобом уни бир сабоқ-бир сабоқ қилиб ёзар, мен эса ёдлаш майдонида бир чопиш-бир чопиш қилиб юрар эдим. Ҳатто китоб ёзилишининг

тугаши билан менинг ёд олишим бир вақтга тўғри келди... (Убайдуллоҳ ибн Масъуд., 1327:50).

Шундай қилиб, “Ал-Виқоя” қисқалиги билан “Ал-Ҳидоя”нинг мағзи, “Ан-Ниқоя” эса, “Ал-Виқоя”нинг мағзидир. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул Виқоя” асари “Ҳидоя”нинг ўндан бир қисми. Асарнинг ҳажмига қарамасдан, уни диққат билан ўқиган тажрибали илм соҳиби, унинг ислом фикҳига оид асосий масалаларни қамраб олганини илғаб олади. Шу сабаб машҳур фикҳ олимлари томонидан кейинчалик ушбу асарга араб, форс ва туркий тилларда қатор шарҳлар ва ҳошиялар ёзилиб узоқ йиллардан буён мадрасалар таълим тизимидан ўрин олиб тинмай ўқитилиб келинмоқда. (Mehmet Tahir Bursali., 1996:37-41).

Муаллиф мухтасарининг муқаддимасида: “Ким “Ал-Ҳидоя” масалалари ўзда ҳозир бўлишини яхши кўрса, унга “Ал-Виқоя”ни ёд олиш лозим бўлади. Кимники вақт шоширса, диққат тизгинини мухтасарни ёд олишга бурсин” (Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тоҷуш шариа., 1911:3).

Бугун Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул Виқоя” асари кўплаб мусулмон мамлакатларида, шунингдек, Ўрта ва Марказий Осиё минтақасида амалда ундан кенг фойдаланилмоқда. Мадрасаларда асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилмоқда. Кучли эҳтиёж сабаб, асар матни котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, унинг кўплаб нодир қўлёзма нусхалари бугунгача сақланиб қолган. Ҳозирда биргина ЎЗР ФАШИ қўлёзмалар хазинасида “Мухтасарул Виқоя” асарининг бир неча юзлаб матн, шарҳ, ҳошия, таржима нусхалари мавжуд. Улар минтақа ҳудуди ва унга қўшни ўлкаларда кўчирилган қадимий ва ноёб нусхалар ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Кеш, Насаф, Балх, Шош (Мухамедов Н., 2021:223), Хўканд ва бошқа ҳудудларда кўчирилган нусхалар салмоқли ўрин эгаллайди. Бу эса, Марказий Осиёда ўрта ва кейинги асрларда илмий фаолиятнинг такомиллашгани, минтақадаги саводхонлик даражаси ва китоб таъминоти яхши йўлга қўйилганидан дарак беради.

“Мухтасарул Виқоя”нинг қўлёзма нусхаларини хорижий фондларда ҳам учратиш мумкин. Нусхалар кўплиги жиҳатидан Франция, Германия, Россия, Туркия, Ҳиндистон давлатлари ҳамда Лейден, Лондон, Қозон шаҳарлари етакчилик қилади. Асар нусхалари қўшни республика кутубхоналарида ҳам учрайди. Жумладан, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистондаги Шарқ қўлёзмалар фондларида

“Мухтасарул Виқоя”нинг кўплаб қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд экани аниқланди.

Асарга битилган шарҳлар. Ҳанафий мазҳабида “Мухтасарул Қудурий”, “Ал-Ҳидоя”, “Виқоятур ривоя” ва шу асосда яратилган “Мухтасарул Виқоя”, “Канзуд дақоик”, “Ал-Мухтор”, “Мажмаул баҳрайн” ва “Мултақил абхур” асарлари мўътабар ва эътимодли матнлар ҳисоблангани учун ҳам бу матнларга битилган шарҳлар ҳам жуда кўпчиликини ташкил этади. Турк олими Экрем Буғра ҳанафийлик мазҳабида хос бўлган ўн тўртта машҳур китобларнинг номини санаб ўтади. (Ekrem Bugra Ekinci., 2015:164-169). Бу матнлар орасида “Мухтасарул Виқоя”га ёзилган шарҳлар ҳам мавжуд.

“Мухтасарул Виқоя” асрлар давомида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитиб келинган. Унга нисбатан уламо ва фақиҳларнинг эътибори юксак даражада бўлган. Шу боисдан унга ўндан ортиқ шарҳлар битилгани ҳақидаги маълумотни беради “Кашфуз зунун” асари муаллифи Ҳожи Халифа. Лекин охириги олиб борилган тадқиқотлар асарга ёзилган шарҳларнинг сони бир мунча кўп эканини тасдиқламоқда. Қуйида биз уларнинг айримлари ҳақида маълумот бериб ўтишга ҳаракат қиламиз. Унинг энг биринчи шарҳи сифатида муаллифнинг ўзини кўрсатиш мумкин.

1. Убайдуллоҳ ибн Масъуд “Ал-Виқоя”ни шарҳ қилиш асносида ўзининг мухтасарини ҳам шарҳлаган.

2. Алоуддин Али ал-Асвад Қораҳисорий (800/1397) илк Усмонли даврининг олимларидан. “Мухтасару-л-виқоя”га “Иноя” номли гўзал шарҳи ва усулул фикҳга оид Ҳаббозийнинг “Муғний” асарига ёзган шарҳи билан танилган.

3. Абдулвоҳид ибн Муҳаммад томонидан “Мухтасарул Виқоя” асарига ёзилган шарҳ. Шарҳ 806 йил жумодул уло ойининг охирида ёзиб тугатилган.

4. Шайх Такийяуддин Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Шумунний (ваф. 872/1467) машҳр ҳанафий олими бўлиб, “Мухтасарул Виқоя” асарига “Камолуд дироа фий шарҳин ниқоя” номи билан шарҳ ёзган.

5. Али ибн Маждуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Масъуд ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Имом Фаҳриддин Бистомий Ҳиравий Розий (1426-1470) томонидан “Мухтасарул Виқоя” асарига асарига ёзилган шарҳ.

6. Маҳмуд ибн Илёс Румий (ваф. 851/1470) томонидан “Шарҳун Ниқоя” номи билан машҳур бўлган шарҳ. Ушбу шарҳ муаллифи “Мухтасарул

Виқоя” асарини ўрганиб ўзининг мўъжаз шарҳини битган.

7. Шайх Абул Фазл Зайниддин Қосим ибн Қутлубуго ибн Абдуллоҳ Мисрий Ҳанафий (ваф. 879/1474) томонидан “Мухтасарул Виқоя” асарига ёзилган “Шарҳун Ниқоя” номли шарҳ.

8. Мавлоно Нуриддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад Жомий (ваф. 898/1492) томонидан “Мухтасарул Виқоя” асарига ёзилган форс тилидаги шарҳ.

9. Жалолиддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқандий Гўрмирийнинг “Таржиматул Мухтасар” номли форс тилидаги шарҳ. Бу шарҳнинг энг сўнгиси 1317 йил Истанбулда босилган.

10. Жалолиддин Даввоний (1427-1505) “Мухтасарул Виқоя”га ёзган шарҳида асардаги масалаларнинг ишончли ва эътироф этилганини айтиб ўтилади.

11. Абул Макорим ибн Абдуллоҳ Муҳаммаднинг “Мухтасарул Виқоя” асарига ёзган шарҳи. Бу шарҳ учта жуздан иборат бўлиб, 907/1534 йилда ёзилган.

12. Абул Али Биржандий (ваф. 932/1525) томонидан “Мухтасарул Виқоя” асарига ёзилинган шарҳ.

13. Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний (ваф. 962/1554) томонидан ёзилган шарҳ. Бу шарҳ “Жомеур румуз” номи билан машҳур.

14. Мавлоно Нуриддин Али ибн Султон Муҳаммад Қорий Ҳиравий (ваф. 1014/1606) “Мухтасарул Виқоя” асарига “Фатҳу бобил иноя” номли шарҳ ёзган.

15. Мулло Абдуллатиф Мулло Холид ўғли томонидан ёзилган “Китобун Нуқоя Мухтасарул Виқояга туркий шарҳ”. 1873 йил икки жилдада 144 бетда нашр этилган.

“Мухтасару-л-виқоя” асарининг минтақа илмий-маърифий ва диний ҳаётидаги аҳамияти. X-XII асрларда Бухорода маданий ҳолат ва илм-фаннинг тараққиёт даражаси ўзига хос тарзда ривож топди. Ўлка илмий муҳитининг шаклланиши манбаларда етарлича зикр қилинган. Айниқса, аниқ фанлар, тарихнавислик, адаб, назм, наср ва илмлари оммавий ривожланди. Бухоро илмий муҳитида вояга етган олимлар иқтидори асосан ақлий ва нақлий илмларда ўз аксини топди. Уларнинг ёзма мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

XIII аср охири–XIV асрларга ақлий маънавий муҳитида илм аҳли тўлиқ араб тилида ижод қилган бўлса, араб ҳалифалигининг инқирозга юз тутиши ва Ўрта Осиё минтақасида кичик мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши натижасида маҳаллий

адабий тиллар, айниқса, форс ва туркий тилларининг роли аста-секин орта борди. Тўғри ўрта осиелик баъзи олимлар ҳамон араб тилида ижод қилсаларда, аммо уларнинг сони тобора камайди. Мусулмон шаркида ҳам мана шундай аҳвол кўзга ташланади (Nasrullaev N., 2020:359-364).

Бу даврда араб ва форс тилларида йирик асарлар яратиш ўрта асрларга нисбатан камайди. Улар ўрнини ижтимоий, сиёсий ҳаётга оид “Воқеъот”, “Фатово”, “Мерос”, “Сарф”, “Наҳв”га оид қоида китоблари, шариатнинг маълум тармоғини камраб олган мавзулар, ибодат масалаларига бағишланган насрий асарлар эгаллади. Ислом манбашунослигининг кейинги ривожига ҳам илмий асарлар яратиш ва оммабоп ўқув қўлланмалар ёзиш билан ажралиб турди. Шундай асарлар сирасига Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул Виқоя” рисоласи ҳам киради. Унинг матни бошқа асарлар қатори ўлка ва унга қўшни минтакаларга тез тарқалди. Ўзида фикҳий масалаларини камраб олган ушбу асар ёзилган даврдан бошлаб таълим тизимида талабаларнинг асосий қўлланмаларидан бирига айланиб улгурди. Нусхаларининг кенг тарқалиши уни Шарқ мусулмон дунёсида машҳур эканига далолат қилади. (Жизнь, научное и духовное наследие Лутфуллоха Насафи. SanJoseCalifornia. November 29 th 2020).

“Мухтасарул Виқоя” асари илмийлиги ва ўзига хос услуби билан турдош матнлардан ажралиб туради. Унинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини дунёнинг деярли барча кутубхона хазиналарида учратиш мумкин. Омма орасидаги кенг истифода этилишига сабаб, илм талаб қилувчи учун уни осон етказилишидир.

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ижод фаолияти айнан мўғуллар истилоси даврига тўғри келганлиги, шу даврда мўътазилий, қадарий, жабарий, кирмитий каби турли ботил оқим вакиллариининг таъсири кучайгани учун ҳам, муаллиф талабаларга ибодат масалаларини енгил ва тез қабул қилиб, уни мустаҳкам ўзлаштирилишига имкон яратган. Чунки, мўғуллар даврида илм ва маърифатнинг сусайиши одамларни бирлаштирувчи омилларга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Лекин, Убайдуллоҳ ибн Масъуд каби фақиҳлар ўз анъаналари ва урф-одатларга содиқ туриб, халқнинг диний-маърифий ҳаёти ва уларнинг онгини оширишга интиланлар. Табиий равишда айни давр ва ҳолат учун фикҳий масалалар тўғрисида ихтилофлардан йироқ ва мукамал асарларга эҳтиёж сезилган. Бу асарнинг ёзилишидаги бирламчи сабаб бўлса, иккинчиси уни одамларга тез ва тушунарли етказишдан

иборат бўлган. Олимнинг “Мухтасарул-л-виқоя” асари пухта, аниқ ва лўндалиги билан шуҳрат қозонди. Муаллиф асарини ёритишда қисқаликка интилиб, фикҳий масалаларни ўзига хос равишда осон услубда тушунтиради. Бунинг натижасида талабалар уни қулай ва тез ўзлаштирган. Ҳанафий мазҳаби қоидаларига амал қилиб ёзилган ушбу асар, ўзидан аввал ёзилган манбаларни тўлдириши билан аҳамиятли.

Юқорида айтиб ўтилган омиллар асарнинг аҳоли орасида кўп мутолаа қилиниши ва мусулмон дунёсига кенг тарқалишига сабаб бўлган. Унинг омма орасида кенг ёйилиб, фикҳ билан боғлиқ доимий дастурлардан бирига айланиши, эл орасида асарга бағишланган шеърый байтлар битилишига сабаб бўлган (Насруллаев Н., 2016:287).

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасарул-л-Виқоя” асари ҳақида кўплаб олимлар ўзларининг ижобий фикрларини билдирганлар. “Мухтасарул Виқоя” Мовароуннаҳр диний ҳаётида кўп фойдаланилган асарлар жумласидан бўлгани, мадраса таълим дастуридан ўрин олгани билан ҳам белгиланади. Шунингдек, унинг содда ва равон тилда битилгани, мусулмонлар ҳаётида керак бўладиган масалаларига бағишлангани, кўпчиликнинг яхши кўрган рисоласига айланганини кўрсатади. Асарнинг илмий аҳамияти ундаги маълумотлардан кейинги давр олимлари унумли фойдаланганини кўрсатди. Жумладан, машҳур мутасаввуф олим Сўфи Оллоёнинг “Маслак ал-муттақин” асарида “Мухтасарул Виқоя”дан олинган ўндан зиёд иқтибосларни келтиради.

Бухоро қозикалони Қози Мирзо Иноятуллоҳ охунд Тахтиминорий (ваф.1857) тузган “Жунг” тўпламида ҳам “Мухтасарул Виқоя” ва унинг шарҳларига бир неча ўринда мурожаат қилинган (Жунг маъ Мухтасар ал-виқоя., 1327:48). Бу маълумотлар асардан ишончли манба сифатида фойдаланиш Ўрта Осиё олимларининг одатига айланганини билдиради. Шунингдек, “Мухтасарул-л-Виқоя” ва унинг Шамсиддин Муҳаммад Кўхистоний ёзган шарҳидан ҳанафий олими Муҳаммад ибн Обидин ад-Дамашқий (1783-1836) ўзининг “Радд ал-мухтор” асарида ҳам унумли фойдаланган (Муҳаммад Амин ибн Обидин, 2003:12, 449, 507; Ж. П.230).

“Мухтасарул Виқоя”нинг содда тилда тузилгани инобатга олиниб, мадраса талабалари учун тайёрланган бошқа китоблар – “Фарзи айн” (*ЎзР ФА ШИ Қўлёзма: 3975, 8149, 3739, 3944, ... каби ва бошқалар*) ва “Чаҳор китоб” (*ЎзР ФА ШИ Қўлёзма: 10627*) сингари асарларда айнан таржималар

берилган. Жумладан, “Фарзи айн” рисоласида намознинг фарз, вожиб ва ҳаром амаллари ҳақидаги маълумотлар айнан “Мухтасару-л-виқоя”дан олинган. Асарнинг қўлёзма нусхаларини тадқиқ қилиш натижасида унинг бир қатор адабиётлар билан бирга мадрасаларда ўқитилгани маълум бўлди.

ТАҲЛИЛ

Ўрта асрларга келиб, Мовароуннаҳр шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва илм-фан қайта ривожлана бошлади. Маданий-маънавий ҳаётнинг яна изга тушиши мадраса ва мактабларда китоб ва дарсликларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Асрлар давомида халқнинг қадриятлари, мафкуриси, маънавий оламини белгилаб келган ислом динига ижобий муносабат туфайли у билан боғлиқ адабиётлар, диний китоб ва рисоаларнинг кўплаб кўчирилиши, таржима этилиши, уни омма орасида кенг тарқалишига сабаб бўлди (Ganiyev, A., & Zinatullayev Z., 2020: 313).

Инсоннинг илмий тафаккури орқали яратилган бу нодир китобларни кўчириш, сақлаш бўйича катта ишлар амалга оширила бошланди. Хаттотлар томонидан кўчирилган қўлёзмалар асосан буюртмага кўра бажарилиб, улар орасида нодир ва қимматбаҳолари ҳам бўлган. Улар билан бир қаторда, кундалик эҳтиёжда фойдаланиш мақсадида уй, масжид, мадраса ва хонақоҳларда мутолаа қилиш учун нисбатан оддийроқ кўринишдаги қўлёзмалар ҳам тайёрланган. Китобларга нисбатан кучли талаб орқали халқнинг китобхонлик маданияти юксак даражада бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Китобларни ўқиш ва ўқитишга бўлган талаб, уларни қадрлаш, келажак авлодларга етказиш каби омиллар ўлкамизда ёзма асарларнинг кўплаб нусхаларда етиб келишига сабаб бўлган. Бу асарлар ўрта асрларда яшаб ўтган олимларнинг матнларига ёзилган шарҳ, ҳошия ва изоҳлар эканлигини қайд этиб ўтиш ўринли.

XIII-XIV асрларга келиб, ижод аҳлининг қадимдан яратилиб келинган шоҳ асарлари ўрнига, асосан, уларнинг таржима, шарҳ ва ҳошиялари билан кўпроқ кифоялангани сезилади. Фикҳилмига оид асарлар ўрнини энди оддий ўқув қўлланмалар эгаллай бошлади. Айниқса, темурийлардан Шохрух ҳукмронлиги даврига келиб, илм-маърифат, мадраса ва хонақоҳ фаолиятлари ривож топди. Бу даврда, мударрислардан Саъдиддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний, Али ибн Муҳаммад Саййид Шариф Журжоний (м.1339/1413), Шамсиддин Муҳаммад Жазарий (м.1350/1430), Салоҳиддин Мусо Қозизода

Румий (тахм.1360/1430) каби замонасининг етук олимлари фаолият кўрсатдилар. Мадрасаларнинг таълим тизими XIX асрга қадар деярли ўзгармай келди. Жумладан, Самарқанд ва унинг атроф шаҳарларида таълим тизими уч “адно” (паст), “авсат” (ўрта), “аъло” (олий) босқичдан таркиб топиб, уларнинг табақаланишига қараб адабиёт ва ўқув дастурлари систематик равишда куйидан юқорига қараб ўсиб борган. Биринчи бўлим 9-10 йил давом этиб, унда Қуръони оятлари, ҳадислар ёд олиш, шариат асосларини ўргатиш, араб ва форс тиллари билан танишиш, абжад усулидаги ҳисоб-китоб, одоб-ахлоқ мавзусидаги панднома, мусулмончилик қонунлари, грамматикага оид фанлар ва насрий асарларни ўқиш ва ёдлаш каби илм сирлари мукаммал ўргатилган. Ушбу бўлимнинг биринчи йилида “Аввали илм”, “Бидон”, “Муъиззий” каби бирламчи дастурлар, иккинчи ва учинчи йилида “Занжоний”, “Авомил”, “Ҳаракот”, “Фикҳи Кайдоний” ва “Мухтасарул Виқоя”нинг бошланғич қисмларидан таълим берилган. Тўртинчи ва бешинчи йиллар давомида “Кофия”, “Мухтасарул Виқоя”нинг давоми ўргатилган. Олтинчи ва еттинчи йилларда “Шарҳи Мулло” ва бошқалар. Саккиз ва тўққизинчи йилларда “Шамсиййа” ва махсус қўлланма ёрдамида “Суллам ал-улум” каби адабиётлардан ўргатилган.

Авсат, яъни ўрта таълимга 7-8 йил ажратилиб, бу давр Умар Насафийнинг “Ақоид” асарини ўқитиш билан бошланган. Мантиққа оид кучли манбалар аллома Умар Тафтазонийнинг “Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом” ва “Мутаввал”, Ибн Ҳожибнинг “Кофия” каби ва бошқа адабиётлар ўрин олган. Паст ва ўрта поғоналардан ўтгач, охириги тўрт йиллик аъло босқичига қадам қўйилган. Унда илоҳиёт, фикҳ каби фанларнинг мураккаб бўлимларидан таҳсил олинган. Қуръон тафсири, калом, ҳадисшунослик ва ҳанафий мазҳабининг машҳур асарлари Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф”, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий”, Хатиб Табризийнинг “Мишкот ал-масобиҳ”, Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” каби асарларидан таълим берилган. Маълумки, ушбу асарлар мадраса таълим дастурининг юқори босқичларида ўқитилган ҳадис, фикҳ, усул ал-фикҳ, бадииятга оид китоблар ҳисобланади.

Мадрасаларда таълим жараёни асрлар давомида куйидаги дастур талаби асосида амалга оширилган:

1. Тафсир йўналишида тан олинган олти буюк муфассирларнинг асарлари, жумладан, Табарийнинг “Китоб жомеъ ал-баён фи тафсир ал-Қуръон”, Замахшарийнинг “Кашшоф ан-ҳақоик ат-танзил”,

Розийнинг “Мифтоҳ ал-ғайб – Тафсири кабир”, Қози Байзовийнинг “Анвор ал-танзил ва асрор ат-таъвил”, “Тафсири Жалолайн”, Ибн Арабийнинг “Футуҳот ал-Маккия” кабилар бу соҳада илғор дастурлаштирилган.

2. Фикҳ йўналишида: Имомлар – Абу Ҳанифа, Шофеъий, Молик, Ҳанбал ва Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, Марғиноний ва Абу Лайс Самарқандийларнинг асарлари дастурга киритилган.

3. Ҳадисда: Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Имом Термизий, Нисоий, Ибн Можа ва Доримийларнинг тўпламларидан фойдаланилган.

4. Каломда: Мотуридий, Ашъарий, Марвазий, Имом Ғаззолий, Абу Ҳафс Насафий, Имом Розий, Азудиддин ал-Ийжий, Жалолиддин Даввоний ва бошқа алломаларнинг асарлари.

5. Сарф ва наҳвда: Сибавайх, Замахшарий, Ибн Ҳожиб, Абдурахмон Жомий каби олимларнинг асарлари асосий дастурлар қаторидан ўрин олган.

XIX аср ўрталарида Н.Хаников Бухорога келиб, таълим тизимини кўзи билан кўриб, дастурларга киритилган 137 та асарнинг рўйхатини берган. (Хаников Н., 1843:210-223). Фикҳда ўзига хос йўналиш яратган “Ҳидоя” соҳиби Бурҳониддин Марғиноний ҳам Самарқанд мадрасаларидан бирида таълим олгани ва кейинчалик ўзи мударрисларидан бирига айланиши диққатга сазовор (Валихўжаев Б., 2001:35). Мадрасаларда асосан диний мазмундаги асарлар ўқитилиши сабабли ушбу йўналишга оид кўлэмаларнинг кўплаб кўчирилган ва таржима этилганига гувоҳ бўламиз.

Таржимонлик соҳасида Аббосийлар давридан оммалашиб келаётган китобат ва кутубхоначилик ишлари минтақамизда ҳам кенг тус ола бошлади. Аввалда қадимги юнон фани ва фалсафасига оид машҳур асарлар араб тилига ўгирилди. Кейинчалик Эрон ва ҳинд маданияти ютуқлари кенг ўзлаштирилди. Араб олимлари улар меросини ўрганиш билан чекланиб қолмай, ўзлари ҳам талай жаҳоншумул ихтиролар кашф этдилар (Глухов А., 1979:33-36).

Бу жараён Мовароуннаҳрда ҳам ўз тарихий босқичларига эга бўлди. Ўлкада дастлаб араб тили кенг қулоч ёзди ва бу тилда битилган манбалар бизгача етиб келди. Масалан, форс тилига муносабатнинг ижобийлиги, маҳаллий адибларнинг мазкур тилда ижод қилишларига, мутаржимлар араб ва форс дурдона асарларини туркий тилга ўгиришларига сабаб бўлди. Жумладан, Убайдуллоҳ ибн Масъуд қаламига мансуб “Мухтасарул Викоя” асари Мақсуд Хўжа ибн Мансур Хўжа (Мақсуд Хўжа ибн Мансур Хўжа.,

1902:55-243), Масъуд Самарқандийнинг “Салоти Масъудий”, Муҳаммад Мирхонд Балхийнинг (1433-1497) “Равзат ас-сафо” рисоласи Мунис Хоразмий таржимаси, шулар орасида “Мухтасарул Викоя” асари араб, форс ва туркий тилдаги таржималари кўплаб китобат қилинган (Nasrullaev, N. (2021), ISJTheoretical&AppliedScience, 12 (104):564-567).

“Мухтасарул Викоя” нусхалари устида олиб борган изланишлар давомида мазкур асарнинг хорижда – Россия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Туркменистон, Тожикистон кутубхоналарида, Ўзбекистоннинг – ЎзР ФАШИ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Алишер Навоий номли Давлат музейи, Фарғона вилоят Адабиёт музейи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, “Махдум Восилий номидаги маънавий Мерос Маркази” китоб хазиналарида асарнинг қатор кўлэмза ва тошбосма нусхалари мавжуд. Бундан асарнинг ўлка илмий меросига ва унинг кейинги ривожига қўшган муносиб хиссасини билиб олиш мумкин. ЎзР ФАШИ кўлэмалар фондида асарнинг Республикамиз ҳудудларида китобат қилинган икки юздан зиёд кўлэмалари мавжудлиги аниқланди. Уларнинг энг характерлилари таҳлил этилди. Матнларни манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, китобат тарихи бўйича тадқиқ қилиш, ўзбек китобат тарихи, маданияти, манбашунослиги учун бекиёс маълумотлар беради. Мазкур кўлэмаларни тўла ўрганиш ва хусусиятларини янада чуқурроқ таҳлил этиш манбашунос ва тарихчи мутахассислар олдидаги вазифалардан ҳисобланади.

Уларнинг бизгача кўплаб захираларда етиб келиши қадимдан уларга бўлган эҳтиёжнинг юксак даражада эканига далолат қилади. Асар матнлари асосан омма, шахсий фондлар, мадраса ва мактаб талабалари учун кўплаб нусхаларда кўчирилган ва кенг тарқалган. Бу асарлар илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, маънавий тарихида муҳим мавқега эга бўлган китоблар сифатида доим тилга олинади. Улар минглаб нусхаларда кўлэмза усулида кўчирилди ва тошбосма ҳолатида чоп этилди, давр таълим тизими ва мадрасаларда талабалар учун узок йиллар хизмат қилди. Бу эса, минтақанинг қадимдан китобга бўлган талабининг юқорилигини кўрсатади. Кейинчалик бу адабиётларга таянган ҳолда, янги-янги замонавий илмий-адабий, бадиий-услубий асар ва қўлланмалар яратилди ва улар ҳозирги кунгача маънавий мерос сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шундай экан, ўлка бой тарихи, таълим тизими, хусусан минтақа олий таълим муассасалари тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ ишдир.

ХУЛОСА

IX-XII асрларга келиб, Мовароуннаҳр шаҳарлари барча соҳаларда ўз ривожининг юксак поғоналарига кўтарилди. Манбаларда уни “Уйғониш даври” деб ҳам эътироф этилди. Ислом динининг юксак таълимот эканини кўрсатувчи нодир манбаларнинг аксари ҳам ана шу асрларда яратилди.

XIII аср бошида мўғуллар бутун Мовароуннаҳрни эгалладилар. Шаҳарга ўт қўйилиши, дарё хавзалари очиб, аҳоли мавзеларига сув бостирилиши, олимларнинг қатл этилиши, хунармандларнинг узок Мўғулистонга ишчи кучи сифатида ҳайдаб кетилиши, урушга яроқли кишиларнинг мажбуран ўз қўшинлари сафига жалб этилиши сабаб, минтақада аҳоли сонининг кескин камайиб кетишига олиб келди.

XIV асрнинг биринчи ярмига келиб, мўғул хонлари орасида ҳам тарқокликлар юз бериб, ўзаро тахт талашувлар рўй бўлди. Натижада, Бухоро шахрининг ўзида бир-бири билан адоватга бораётган Чигатой ворислари орасида тахт учун кучли сиёсий ўйинлар авжига чиқди.

Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг яшаган давр аини мўғуллар ҳукмронлигига тўғри келди. Қатор фақиҳлар орасида ибн Масъуд ҳам фаолият олиб борди ва ўзининг “Мухтасару-л-виқоя” асари билан фикҳ илмига муносиб ҳиссақўшди. Муаллиф илмий меросини ўрганишда қуйидаги якуний хулосаларга келинди:

– Мовароуннаҳр қадимдан бутун дунёга алломалар юрти сифатида донг таратиб келган минтақа сифатида ўзининг Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Андижон, Тошкент, Насаф каби кўплаб қадимий шаҳарлари билан машхур.

– Мўғулларнинг Мовароуннаҳрга босқинчилик юришлари натижасида ҳудуддаги тараққиёт издан чиқди. Минтақадаги бу инқироз қарийб юз эллик йил давом этди. XIV аср ўрталарига келиб, минтақа ҳаётида маълум жонланишлар кўзга ташланди.

– Минтақа илмий муҳитида Бухоро шахри муҳим аҳамият касб этди ва йирик илмий-маърифий марказлардан бирига айланди. У ерда асосан ҳанафийлик кенг тарқалиб, одамлар мазҳабнинг ўртамиёналик, бағрикенглик ва ҳамжихатлик тамойиллари асосида яшаб келдилар.

– Қатор Бухорийлар орасида Убайдуллоҳ ибн Масъуд илмий фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди. У ўз даврининг етук олими бўлиб, фикҳий масалаларни чуқур билган ва уларни илмий таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган. Муаллиф қаламига оид “Мухтасару-л-виқоя” номли асарида олимнинг

фикҳий масалалар ечими унинг юксак иқтидор соҳиби эканини кўрсатади.

– Асар фикҳий масалаларни қамраб олиб, давр талабларига жавоб берган. Кейинчалик асар матни Мовароуннаҳр ва унга қўшни минтақаларга тарқалиб, фикҳ илмига оид тараққиётнинг узлуксизлигини таъминлаган.

– Асар матнида ёритилаётган масалалар ҳанафий мазҳаби уламолари тутган услуб ва анъаналарда намоён бўлади. Буни муаллиф ишончли далиллар билан исботлаб, теран фикрлари орқали баён қилган.

– “Мухтасару-л-виқоя”га Мовароуннаҳр ва Хуросондан етишиб чиққан олимлар томонидан араб, форс ва туркий тилларда шарҳ, ҳошиялар битилди ҳамда унинг кўплаб таржималари амалга оширилди. Мазкур тадқиқотлар орқали асар мазмунан бойиб, ундаги далиллар аҳамияти ортиб борган.

– “Мухтасару-л-виқоя” матни қўлёзма шаклида котиблар томонидан қайта-қайта қўчирилиб, илмий муомалада бўлган бошқа асар матнлари билан бир жилдда мажмуа тарзида доимий китобат этилди. Бунга унинг қатор фондларда сақланаётган нусхалари далил бўлиб, ҳозирда матннинг турли йилларга оид бир неча юзлаб қўлёзмалари аниқланди.

Демак, Бухорода минтақа учун хос бўлган илмий муҳит устувор бўлган. Бу ҳолат, бошқа илмлар қатори фикҳ илмида ҳам яққол намоён эди. Шаҳар ўз машхур фақиҳлари билан доим Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудларидан фарқланиб турган.

MANBA VA ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Иноятлов А., Солиева М. (2016) Зулматдаги зиёкорлар. – Тошкент: “Hilol-Nashr” нашриёти, – 283 б.
2. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. (2002) Ислом ҳукуқшунослиги. (Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари). – Т.: “Тошкент ислом университети”. – 200 б.
3. Абдусаттор Жуманазар (2017). Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент: “Akademnashr”. – Б. 144-545.
4. Аҳмедов Б. (1962) Сайфуддин Муҳаммад Фарғоний. – Т.: Қизил Ўзбекистон. – Б. 23.
5. Ahmet Ozel. (2006) Hanefi Fikh Alimleri. Turkiye DiyanetVakfi Yayinlari. 2. Baski. – S. 80.
6. Бартольд В. В. (1963) Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. II. 1. – М.: Восточная литература. – С. 261.
7. Ekrem Bugra Ekinci. (2015) Islam Hukuku Tarihi. – Istanbul: Ari Sanat Yayınevi. 2. Baski. – S 192.
8. Ganiyev, A., & Zinatullayev, Z. (2020). Tax and zakat collection system of the Bukhara emirate during the 19th

- century. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (90), 313-317.
9. Глухов А. (1979) Асрлар қаридан. – Т.: Ўзбекистон. – Б. 33-36.
 10. Ziynatullayev, Ziyodilla (2020) “The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/21>
 11. Жамалова М.С. (1992) Жанровые особенности наме в узбекской литературе XIV-XV веков. Автореф... канд. филол наук. – Т., – С. 23.
 12. Жизнь, научное и духовное наследие Лутфуллоха Насафи. (2020) *Ingenious Global Thoughts. IGT-2020*, in Archive of conferences international Database hosted online from San Jose California. November 29th 2020. www.Conferencepublication.com.
 13. Жунгмаъ (1927) Мухтасар ал-виқоя. – Бухоро, – Б. 48.
 14. Каттаев К. Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривож. – Б. 32-34.
 15. Махмудов Қ. XIII-XIV аср туркий ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. – Б. 1819.
 16. Маллаев Н.М. (1977) Ўзбек адабиёти тарихи. Ж.1. – Т.: Фан. – Б. 177.
 17. Максуд Хўжа ибн Мансур Хўжа. (1902) Мажмаъ ал-максуд шарҳи Мухтасар ал-виқоя. Ж. I-II. – Т.: Ильян. – Б. 55-243.
 18. Mehmet Tahir Bursali. (1996) *Turklerin Uluam ve Fununa Hizmetleri*. – Istanbul: Kitabeviyayin. – S. 37-41.
 19. [Мухамедов Н.А. \(2021\) МАВЗОЛЕЙ КАЛДИРГАЧ-БИЙ – КАК КУЛЬТУРНЫЙ ПАМЯТНИК КОМПЛЕКСА ШЕЙХ ХОВАНД ТАХУРА // Интернаука: электрон. научн. журн. 2021. № 47\(223\). URL: https://internauka.org/journal/science/internauka/223.DOI:10.32743/26870142.2021.47.223.323518](https://internauka.org/journal/science/internauka/223)
 20. Мухаммад Амин ибн Обидин. (2003) Радд ал-мухтор. Ж. I.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия – Б. 12, 449, 507; Ж. II. – Б. 230.
 21. Mukhamedov, Nematullo (2020) “ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAH) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss3/1> P. 4-15
 22. Насруллаев Н. (2016) Мухтасар ал-Викоя назми. – Тошкент: Ҳилол. – 287 б.
 23. Насруллаев Нейматуллох Хикматуллаевич. (2021) XIII АСР ОХИРИ XIV АСР БОШЛАРИДА БУХОРО ШАҲРИ ИЛМИЙ МУҲИТИ. № 46(222). Часть 4. Москва, Изд. «Интернаука». – С. 59-63. <https://www.internauka.org/journal/science/internauka/222>.
 24. Nasrullaev, N. (2021). The keeping of Turkish manuscripts of MukhtasarulViqaya in the fund of the Abu RayhanBeruniy center of oriental manuscripts under the Tashkent state institute of oriental studies. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (104), 564-567.
 25. Nehcu'l-Feradis. (2004) I Metin. II Tirkibasim. – Ankara.
 26. Nematullo Hikmatullaevich Nasrullaev (2020). Role of Ancient Written Sources In The Formation Of The Old Uzbek Literary Language. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(09).– R. 359-364. www.Usajournalshub.com/index.php/tajssei.
 27. Osman Keskioglu. (1984) *Fiqh Tarihi ve Islam Hukuku*. – Ankara: AyyildizMatbaasi A.S., 1984. – S 105.
 28. Садриддин Салим Бухорий. (2015) “Бухоронинг табарруқ зиёратгоҳлари”. – Тошкент: “Navro’z”, 2015. – Б. 125.
 29. Тохтиев, Ш. Р. (2012). Краткая история самаркандских и бухарских «Ирани». Вестник Челябинского государственного университета, (33 (287)), 124-129. <https://cyberleninka.ru/article/n/kratkaya-istoriya-samarkandskih-i-buharskih-irani>
 30. Шихобиддин Мухаммад Насавий. (1999) Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. Таржимон: Матёқубов. – Тошкент: Ўзбекистон– Ёзувчи. – 432 б.
 31. Убайдуллох ибн Масъуд. (1327) Шарҳул виқоя маъа умдатир риоя. – Лакнау: “Юсуфий”, 1327. – Б. 50.
 32. Убайдуллох ибн Масъуд ибн Тоҷуш шариа. (1911) Мухтасарул Викоя фи масоилил Ҳидоя. – Қозон. – Б. 3.
 33. Валихўжаев Б. (2001) Самарқандда олий таълим. Мадрасайи олия университет тарихидан лавҳалар. – Самарқанд. – Б. 35.
 34. Хаников Н. (1843) Описание Бухарского Ханства. – Москва. – С. 210-223.

REFERENCES:

1. Inoyatov A., Solieva M. (2016) *Zulmatdagi ziyokorlar*. – Toshkent: “Hilol-Nashr” nashriyoti, – 283 b.
2. Abdulhakim Shar’iy Jo’zjoniy. (2002) *Islom huquqshunosligi. (Hanafiy mazhabi va O’rta Osiyo faqihlari)*. – Т.: “Toshkent islom universiteti”, – 200 b.
3. Abdusattor Jumanazar. (2017) *Buxoro ta’lim tizimi tarixi*. – Toshkent: “Akademnashr”, – B. 144-545.
4. Ahmedov B. (1962) *Sayfuddin Muhammad Farg’oniy*. – Т.: Qizil O’zbekiston, – B. 23.
5. Ahmet Ozel. (2006) *Hanefi Fikh Alimleri. Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari*. 2. Baski. – S. 80.
6. Bartold V. V. (1963) *Obshie raboti po istorii Sredney Azii. Raboti po istorii Kavkaza i Vostochnoy Evropi*. II. 1. – М.: Vostochnaya literatura, – S. 261.
7. Ekrem Bugra Ekinci. (2015) *Islam Hukuku Tarihi*. – Istanbul: Ari Sanat Yayınevi, 2. Baski. – S 192.
8. Ganiyev, A., & Zinatullayev, Z. (2020). Tax and zakat collection system of the Bukhara emirate during the 19th century. ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (90), 313-317.
9. Gluxov A. (1979) *Asrlar qa’ridan*. – Т.: O’zbekiston, – B. 33-36.
10. Ziynatullayev, Ziyodilla (2020) “The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article

21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/21>
11. Jamalova M.S. (1992) Janrovie osobennosti name v uzbekskoy literature XIV-XV vekov. Avtoref... kand. filol nauk. – T.: – S. 23.
12. Jizn, nauchnoe i duxovnoe nasledie Lutfulloxa Nasafi. Ingenious Global Thoughts. IGT-2020, in Archive of conferences international Database hosted online from San Jose California. November 29 th 2020. www.Conferencepublication.com.
13. Jung ma' (1327) Muxtasar al-viqoya. – Buxoro, – B. 48.
14. Kattaev K. Samarqand madrasalari va ilmu fan rivoji. – B. 32-34.
15. Mahmudov Q. XIII-XIV asr turkiy yozma obidalar tilining fonetik sistemasi. – B. 1819.
16. Mallaev N.M. (1977) O'zbek adabiyoti tarixi. J.1. – T.: Fan. – B. 177.
17. Maqsud Xo'ja ibn Mansur Xo'ja. (1902) Majma' al-maqsud sharhi Muxtasar al-viqoya. J. I-II. – T.: Ilin, –B. 55-243.
18. Mehmet Tahir Bursali. (1996) Turklerin Ulum ve Fununa Hizmetleri. – Istanbul: Kitabevi yayin, –S. 37-41.
19. [Мухамедов Н.А. \(2021\) MAVZOLEY KALDIRGACH-BIY – KAK KULTURNIY PAMYATNIK KOMPLEKSA SHYEYX XO'VAND TAXURA // Internauka: elektron. nauchn. jurn. 2021. № 47\(223\). URL: https://internauka.org/journal/science/internauka/223.DOI:10.32743/26870142.2021.47.223.323518](https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/21)
20. Muhammad Amin ibn Obidin. (2003) Radd al-muhtor. J. I. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, – B. 12, 449, 507; J. II. – B. 230.
21. Mukhamedov, Nematullo (2020) “ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION, “*The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss3/1> P. 4-15
22. Nasrullaev N. (2016) Muxtasar al-Viqoya nazmi. – Toshkent: Hilol. – 287 b.
23. Nasrullaev Ne'matullo Xikmatullaevich. (2021) XIII ASR OXIRI XIV ASR BOSHLARIDA BUXORO SHAHRI ILMIY MUHITI. № 46(222). CHast4. Moskva, Izd. «Internauka», – C. 59-63. <https://www.internauka.org/journal/science/internauka/222>.
24. Nasrullaev, N. (2021). The keeping of Turkish manuscripts of Mukhtasarul Viqaya in the fund of the Abu Rayhan Beruniy center of oriental manuscripts under the Tashkent state institute of oriental studies. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (104), 564-567.
25. Nehcu'l-Feradis. (2004) I Metin. II Tirkibasim. – Ankara.
26. Nematullo Hikmatullaevich Nasrullaev (2020). Role of Ancient Written Sources In The Formation Of The Old Uzbek Literary Language. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(09).– R. 359-364. www.usajournalshub.com/index.php/tajssei.
27. Osman Keskioglu. (1984) Fiqh Tarihi ve Islam Hukuku. – Ankara: Ayyildiz Matbaasi A.S. – S 105.
28. Sadriddin Salim Buxoriy. (2012) “Buxoroning tabarruk ziyoratgohlari”. – Toshkent: “Navro'z”, 2015. – B. 125.
29. Toxtiyev, Sh. R. (2012). Kratkaya istoriya samarkandskix i buxarskix «Irani». Vestnik Chelyabinskogo gosudarstvennogo universiteta, (33 (287), 124-129. <https://cyberleninka.ru/article/n/kratkaya-istoriya-samarkandskix-i-buharskix-irani>
30. Shihobiddin Muhammad Nasaviy. Sulton Jaloliddin Manguberdi hayoti. Tarjimon: Matyoqubov. – Toshkent: O'zbekiston – YO'zuvchi, 1999. – 432 b.
31. Ubaydulloh ibn Mas'ud ibn Tojush sharia. Muxtasarul Viqoya fi masoilil Hidoya. – Qozon: 1911. – B. 3.
32. Ubaydulloh ibn Mas'ud. SHarhul viqoya ma'a umdatir rioya. – Laknau: “Yusufiy”, 1327. – B. 50.
33. Valixo'jaev B. Samarqandda oliy ta'lim. Madrasayi oliya universitet tarixidan lavhalar. – Samarqand, 2001. – B. 35.
34. Xanikov N. Opisanie Buxarskogo Xanstva. – Moskva, 1843. – S. 210-223.